

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
САНЪАТ КАФЕДРАСИ

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

*Мавзу: Бошланғич синф ўқувчиларини қўшиқ  
куйлашга қизиқтириш йўллари.*

*Бажарди: “5141000-муסיқа таълими” йўналиши  
битирувчиси Мухторова Гулираъно.*

*Илмий раҳбар: ўқитувчи М.И.Мухамедова.*

*Бухоро - 2012*

## **Режа:**

### **Кириш.**

### **1-БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА МУСИҚА МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.**

§ 1.1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг муסיқий билиш имкониятлари.

§ 1.2. Бошланғич синф ўқувчиларида муסיқий қобилият ва қизиқишлар намоён этилиши хусусиятлари.

### **2-БОБ. КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА МУСИҚИЙ ҚИЗИҚИШЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.**

§ 2.1. Бошланғич синф ўқувчиларида кўшиқ куйлашга қизиқишларни шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари.

§ 2.2. Мактаб тинглаш репертуари асосида бошланғич синф ўқувчиларида кўшиқ куйлашга қизиқишларни шакллантиришнинг йўл ва усуллари.

### **ХУЛОСА.**

### **ТАВСИЯЛАР.**

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

## Кириш.

*Мавзунинг долзарблиги.* Ҳозирги шароитда мусиқа маданияти орқали ёш авлод онгида юксак маънавиятни шакллантириш имкониятлари кенглиги сабабли, мамлакатимиз миқёсида мусиқа таълимига катта аҳамият берилаётганлиги кузатилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз И.Каримов 2012 йил 16-17 февралда Тошкент шаҳрида ўтказилган Халқаро илмий конференция очилишида сўзлаган нутқида: - “Таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш одамларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг сиёсий ва гражданлик фаоллигини, ўз келажагига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустаҳкам асосига айланди, десак муболаға бўлмайди. Энг муҳими шундаки, бизнинг янги авлодимиз билимли, ўтмишнинг ҳар қандай иллатларидан озод бўлган ёшларимиз бугунги кунда мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончли тарзда равнақ топтиришнинг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда” деган фикрларни келтирди<sup>1</sup>. Бунга жавобан ҳозирги кунда мусиқа таълими сифатини ошириш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, Президент И.Каримов томонидан 2008 йил 8 июлда имзоланган “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида”ги Қарор ҳам муҳим меъёрий ҳужжатлардан бири бўлди.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Халқ сўзи газетаси. 2012 йил 19 февраль сони.

Мазкур қарор ёш авлодга маънавий-эстетик тарбия беришни янги босқичга кўтаришнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Жумладан, қарорда: - “Униб ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон муסיқалари, тасвирий санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бошланғич муסיқий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, болалар муסיқа ва санъат мактабларини ривожлантириш ҳамда замонавий моддий техник базасини шакллантириш, уларни муסיқий маданият ва санъат соҳасидаги юқори малакали педагог кадрлар ва мутахассислар билан таъминлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилган<sup>2</sup>. Бу қарор умумтаълим мактаби муסיқа таълимига бевосита дахлдордир.

Мактаб кўшиқ репертуари ўз бадиий-эстетик таъсир имкониятлари билан болаларга янги бадиий-маънавий оламни очади. Мактаб даврида болаларнинг асосий фаолиятлари ўқиш, фанлар асосларини пухта ўзлаштиришдан иборат бўлиб, шу аснода улар муסיқий таълим имкониятларидан баҳраманд бўладилар. Ўқувчида муסיқий ижро ёки тинглаш орқали ҳиссий кечинма, ҳатто мукамал ҳолатда бўлсада, қисман ҳолда вужудга келмайди. У яхлит куйнинг бевосита таъсири натижаси сифатида ҳамда тингланган асарларга биринчи жавоб сифатида пайдо бўлади.

---

<sup>2</sup> “Халқ сўзи” газетаси. 2008 йил 9 июль сони.

Умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқувчиларининг муסיқий қизиқишлари анча кенг шаклланган, улар муסיқа асарларини маълум даражада танлаб тинглаш имкониятига эга бўлишади. Шу боис, ўқувчиларга муסיқа дарсларида тақдим этиладиган муסיқий репертуар айнан улар онгида миллий маданиятни, маънавиятни шакллантириш ишига хизмат қилиши зарур.

Ҳар бир дарс, ҳар бир муסיқа бўйича тўғарак машғулотларида ўрганиладиган муסיқа асарлари орқали ўқувчиларни бадий – муסיқий фаолиятга қизиқтиришни тизимли тарзда олиб бориш зарур. Бу эса ўқувчиларда Ватанга мухаббат, ўз туғилиб ўсган юртига нисбатан ифтихор туйғуларини шакллантиришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

# **1-БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА МУСИҚА МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.**

## **§ 1.1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг муסיқий билиш имкониятлари.**

Муסיқа таълими орқали кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг бадий-эстетик диди, муסיқий билим ва кўникмалари шакллантирилади, муסיқий қобилиятлари ривожлантирилади, муסיқий билим ва тасаввурлар уларни қизиқтириш орқали амалга оширилади.

Халқ муסיқасида миллий қадриятлар кенг акс этгани боис, болалар учун кучли тарбиявий таъсир воситасига айланади. Шу муносабат билан кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида муסיқий қизиқишларни изчил ривожлантириб бориш орқали уларни эстетик тарбиялаш давр талабига айланмоқда.

Мазкур йўналишда қўлланилаётган ва янги жорий этилаётган педагогик иш усуллари таълим мақсадларини, яъни ўқувчиларни муסיқий фаолиятларга қизиқишларини муваффақиятли шакллантиришда муҳимдир.

Ўқув машғулотларида муסיқий қизиқишларни шакллантириб бориш учун болаларда ушбу фаолиятга нисбатан эҳтиёжлар мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, мактаб ўқувчиларида муסיқага нисбатан қизиқишларни мунтазам, узлуксиз тарзда шакллантириб боришга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ. Бу эса, ўқувчиларда муסיқий билимлар билан бирга,

миллий анъана ва қадриятларимизга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромни ҳам тарбиялашнинг муҳим омилидир.

Бошланғич мактаб ўқувчилари мусиқа асарларини тўғри идрок эта олиш, хотира, улар ҳақида таҳлилий фикр ва мулоҳазалар билдириш имкониятларига эга бўладилар. Шунингдек, ўқувчиларда амалий куйлаш овози маълум диапазон чегараларида мавжуд бўлиб, тиниқ интонация, куйлаш имкониятларини ўзида намоён этади.

Бироқ, болаларда жамоавий куйлаш бўйича билим, кўникма ва малакалар ҳали етарли шаклланмаган, жамоавий ижро бўйича маълум тажриба уларда мавжуд бўлмаганлиги сабабли, куйлашда кўп ҳолларда қийналишлари кузатилади. Шунинг учун, айнан кичик мактаб ёшидан бошлаб болаларда куйлаш малакаларини самарали шакллантириб бориш учун уларда қизиқишларни тарбиялаб бориш талаб қилинади. Зеро, ушбу иш усули ўқувчилар билимларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди.

Ўқувчилар онгида мусиқий қизиқишларнинг шаклланиши уларда юксак бадиий савиядаги мусиқа асарларига нисбатан кўникма ва малакаларнинг вужудга келишига имкон яратади.

Чунки, куйлаш - мусиқани идрок этишни ривожлантириш учун муҳим методлардан биридир. Шунга асосан, ўқувчилар мусиқани идрок этганини кўрсатадиган ҳаракатлар орасида: куйлаш, кўшиқ нотасини ёзиш муҳим ўрин эгаллайди. Буларнинг барчаси мусиқани тез ва онгли идрок этишга, асар муаллифининг бадиий мақсадини аниқ англашга, уни тез ўзлаштиришга кўмаклашади.

Ушбу фаолиятларни амалга ошириш жараёнида қизиқишларни тарбиялашга асосий урғу берилиши зарур. Агар биринчи синфдан бошлаб ўқувчиларга мусиқа ҳақида ҳикоя, расмлар, чолғу созлари суратлари, унли ва ундош товушларни жамоа бўлиб куйлаш, ноталар номларини турли иш усуллари орқали ўрганиш, марш ва рақс сингари дастлабки мусиқа жанрлари борасида маълумотлар берилса ҳамда бир нечта болалар кўшиқлари жамоа бўлиб куйланса, иккинчи синфда кейинги босқичга ўтилади.

Иккинчи синфда “Дўлонча”, “Қашқарча”, “Дутор баёти”, “Қари Наво” сингари халқ куйлари, шунингдек, Ф.Назаровнинг “Мактабим”, “Пахтаой”, “Пахтаойнинг байрами”, Н.Норхўжаевнинг “Китобим кўлимда”, Ил.Ақбаровнинг “Ўйнайлик” сингари кўшиқлари куйланади ва болалар ушбу кўшиқларни ижро этишни ўрганиб оладилар.

Бу кўшиқларнинг миллий негиз ва асосларда яратилганлигини назарда тутиладиган бўлса, ушбу кўшиқлар болаларда мусиқий қизиқишларни шакллантириш ишига муҳим ҳисса қўшиши мумкин.

Бундан ташқари, дарсда ўқувчиларни таниқли композиторлар ва мусиқа ижодкорларининг ҳаёти ҳамда ижодий фаолияти билан, мазкур ижодкорларнинг яратган йирик асарлари билан таништириш ўқувчиларда мусиқий қизиқишларни шакллантиришга хизмат қилади.

Жумладан, биринчи синфдан еттинчи синфгача ўқувчилар “Мусиқа” дарсларида мамлакатимизнинг, шунингдек, қардош халқларнинг мумтоз ҳамда замонавий композиторлари асарларини

ўрганадилар. Уларнинг ижоди билан танишиш баробарида, асарларидан парчалар ижро этишни ўрганадилар, асарларни бири-бири билан қиёслайдилар ҳамда уларга нисбатан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирадилар.

Мактаб мусиқа таълими биринчи навбатда ўқувчиларнинг ёши ва ақлий имкониятлари жиҳатидан йўлга қўйилади ва уларда мусиқий қизиқишларни изчил шакллантириб бориш жараёнида эътиборга олинishi зарур.

Мусиқа таълими пастки синфларда кўп қиррали тарзда амалга оширилиши жараёнида, учинчи синф ўқувчиларининг куйлаш малакаларини изчил сингдириб бориш орқали уларда мусиқий қизиқишлар ва бадий - эстетик дид шакллантириб борилади.

Ўқувчилар бир хил товуш баландлигида куйлаб, унисон ижронинг хусусиятларини, ансамблга эришишнинг нақадар қизиқарли ва ўзига жалб этувчи бадий жараён эканлигини билиб оладилар. Болалардаги вокал овоз мавжудлиги ёки паст даражада эканлигидан қатъий назар, ҳар бир болада куйлаш малакаларини маълум даражада шакллантириш мумкин.

Боладаги ёш хусусиятлари ва товушни тўғри ривожлантириш қонуниятларига таянган ҳолда мусиқий қизиқишларни тарбиялаш уларнинг тўғри ривожланишига имконият яратади ҳамда мусиқани тўлақонли идрок этишига замин ҳозирлайди.

Ўқитувчининг дарс жараёнида маълум педагогик ютуққа эришиши унинг бадий ижро аҳамиятини қанчалик чуқур тушунишига, ўқувчиларда мусиқий қизиқишларни, куйлаш малакаларини шакллантириш усуллари, болалар овозининг

хусусиятларини билишига, қўшиқ материални ўзлаштириш ишини қанчалик самарали ташкил эта билишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Шунга биноан, ўқитувчининг қўшиқлар воситасида муסיқий қизиқишларни изчил шакллантириб бориш имконияти айнан ўқувчиларда вокал фаолиятга нисбатан муносабатни шакллантириб боришига боғлиқдир.

Ўқувчиларнинг куйлаш имкониятларини кенгайтириш мақсадида ўқитувчи болаларнинг вокал имкониятларини билиши мақсадга мувофиқ. Жумладан, 6, 7 ёшли болаларда бу имкониятлар унча кенг эмас. Чунки, болаларнинг овоз аппарати ҳали тўлиқ шаклланмаган. Бу эса дарсда инобатга олиниши мақсадга мувофиқ.

Биринчи синф ўқувчисининг овоз диапазони биринчи октава ми – соль, фа – ля диапазони оралиғида кузатилади. Шунинг учун танланадиган репертуар айнан ушбу ижро диапазони чегарасида бўлиши талаб этилади.

Иккинчи синф ўқувчиларининг куйлаш диапазони анча кенгайиб, ижро жараёнида уларнинг овози асосан биринчи октава ми – си товушлари оралиғида ёрқин жаранглайди. Бу товуш диапазони айниқса, тинглаш идроки учун ҳам қулай диапазон бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, у товуш бойламларининг имкониятлари орқали белгиланади, яъни, товуш бойламлари ҳали анча ингичка, юпқа ва қисқа бўлади. Бу эса муסיқа машғулотида, дарс жараёнида ўқувчиларнинг овозини зўриқтирмасдан, муסיқий қизиқишларни изчил шакллантириб, енгил ва ёрқин ижро этишига эришиш билан боғлиқдир.

Иккинчи синф охирида ўқувчилар куйлаш диапазонининг ўрта чегараси мустаҳкамланади ва такомиллашади. Товуш тембри ижро этиладиган кўшиқ характерига кўра жилоланиб, ўзгариб боради. Куйлаш диапазони эса биринчи октава ре дан иккинчи октава ре га тенглашади. Баъзи болаларда кичик октаванинг си, ля товушлари, баъзиларида эса иккинчи октава ми ҳам чиройли янграйдиган бўлади.

Учинчи синфда деярли барча ўқувчиларнинг овози биринчи октава до дан иккинчи октава ре диапазонига тенглашиб қолади, баъзиларда юқори овоз иккинчи октава ми гача чиқиб қолади. Айрим ўқувчилардаги тез жисмоний ўсиш улардаги мусиқий кизиқишларнинг ёрқин ифодаланишига, куйлаш овозининг ҳам тез етилишига шарт - шароит яратади.

Етти - ўн ёшдаги болаларнинг овози кичик амплитудага эга бўлади. Улар ижросида асосан *mp* ва *mf* сингари динамик белгиларни кенг қўллаш самарали натижаларга олиб келади.

Овоз диапазонининг барча чегараларида ўқувчилардан ёрқин овоз тембрини, ёқимли ва чиройли ижрони талаб қилиш қийин. Бунга мисол тариқасида айтиш мумкинки, овоз диапазонининг пастки чегарасида баланд куйлаш ва аксинча юқори нуқталарда паст куйлашни талаб қилиш болалар овозининг маълум даражада хасталанишига олиб келиши мумкин. Овознинг сифатли жаранглаши фақат овоз диапазонининг ўрта чегараларида юзага келади.

Масалан, учинчи синф дарслигида келтирилган Д.Омонуллаева мусиқасига мансуб “Ватанжоним-ватаним” кўшиғида

ватанпарварлик мавзуси илгари сурилган. Қўшиқни куйлаш орқали болалар онгида Ватанга, эл-юртга нисбатан меҳр муҳаббат, миллий ғурур туйғулари шаклланиб боради. Бу эса ўқувчиларнинг мусиқий қизиқишлари намоён бўлиб, асарни раво ва эркин ижро этишига йўл очиб беради. Мазкур қўшиқни ижро этишда нафасни тўғри олишга эришилса, ижро юқори савияда бўлишига эришиш мумкин.

Бошланғич синф ўқувчиларининг вокал ижросида овоз тембрининг шаклланиши жараёни жадал кечади. Шунинг учун болалар овози тембри ўқитувчининг доимий диққат марказида бўлиши мақсадга мувофиқ. Ушбу ёшда болалар овозининг тембри айниқса унли товушларни куйлашда нотекис намоён бўлади. Шу боис, улар овоз диапазонидаги барча товушларда текис ва раво, эркин жарангдорликка эришишга ҳаракат қилиш зарур.

Тўртинчи синф ўқувчилари ижросида пастки ва юқори диапазонда овозларнинг характерли жиҳатлари сезила бошлайди. Бу кўкракдан нафас олиш орқали куйлашда айниқса яққол намоён бўлади. Улар овози устида мунтазам, режали тарзда иш олиб борилса, болалар овози мустаҳкамланади ва ривожланади. Натижада болалар юқори савияли ижрога эришиш имкониятига эга бўладилар.

Ўқувчиларда мусиқий қизиқишларни шакллантиришда нафас олиш техникасига катта аҳамият қаратиш лозим. Бунинг учун болаларнинг бевосита куйлаш воситасида ижровий малакаларини шакллантиришга ҳаракат қилиш зарур.

Вокал ижрода болаларнинг қўшиқ сўзларига эътибор беришини тўғри ташкил этиш лозим. Шундагина улар қўшиқдаги ҳар бир

сўзнинг қадрини, унда ифодаланган миллий маданият, маънавиятни акс эттирувчи қувватини ҳис этади.

Муסיқа ижрочилигида чолғу созларнинг ҳам ўз ўрни бор. Дарсда турли миллий чолғу созлари ҳақида қизиқарли маълумотлар бериш ўқувчиларнинг муסיқий қизиқишларини ошириш билан бирга, уларнинг миллий чолғу созлари тарихига оид билимларини ҳам бойитишга хизмат қилиши мумкин.

Жумладан, ўзбек халқ муסיқа мероси бошқа кўпгина Шарқ халқлари муסיқаси каби, фольклор ҳамда оғзаки анъанадаги профессионал муסיқа турларига бўлинади. Чолғулар ҳам ўз навбатида, фақат фольклор жанрлари ижрочилари кўлида ҳамда профессионал муסיқа ижрочилари томонидан ишлатиладиган турларга бўлинганлигини кўрамиз. Бу ҳақда ўқувчиларга оддий, содда тарзда маълумот бериш уларнинг чолғу созларига қизиқишларини оширади.

Фақатгина таълим жараёнини оқилона ташкил этиш орқали ўқувчиларда муסיқий қизиқишларни шакллантириш мумкин. Бу эса таълимда қулай технологиялар ва методикаларни изчил жорий этиш орқали таъминланиши мумкин.

Кейинги параграфда бошланғич синф ўқувчилари билан муסיқий фаолиятларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари борасида тўхталамиз.

## **§ 1.2. Бошланғич синф ўқувчиларида муסיқий қобилият ва қизиқишлар намоён этилиши хусусиятлари**

Бошланғич синф ўқувчилари ўз интеллектуал ва эмоционал хусусиятлари орқали юқори синф ўқувчиларидан тубдан фарқ қилади. Улар муסיқа асари тузилишини, ундаги кайфиятни, муסיқий оҳангни, матн мазмунини нисбатан ойдинроқ тасаввур қилиш имконига эга бўладилар.

Бу синфларда ўқувчилар машғулотлар жараёнида муסיқанинг ифода воситалари, муסיқанинг назарий жиҳатлари, композиторлардан Рустам Абдуллаев, Фарҳод Алимов, Ҳабибулло Раҳимов, Лайло Муждабоева каби композиторларнинг ҳаёти ва ижоди, шунингдек, кўпгина миллий куй ва кўшиқлар тинглаш ҳамда куйлаш орқали ўз муסיқий қизиқишларини, билим, кўникма ва малакаларини оширадилар.

Ушбу асарларни ўрганиш жараёнида улар кўшиқларнинг матни, оҳанг йўналиши ва куйларнинг ўзига хос товуш хусусиятларини ўзлаштириб борадилар. Бу жараёнда ўқувчилар онгида муסיқий қизиқишлар асослари шаклланиб боради. Зеро, ҳар бир миллий кўшиқ ва куйда миллий ҳаёт тарзи, анъана ва кадриятлар ўз аксини топади. Шу боис, асарларни ўзлаштириш жараёнида улар миллий маданият ва маънавият негизларини тобора чуқурроқ англаб борадилар. Ҳар бир ўқувчида ўз Ватани учун жавобгарлик, шунингдек, ватанпарварлик ва миллий ғурур туйғулари шаклланиб боради.

Бу хусусиятлар, турли мураккаблик даражасидаги асарларни ўзлаштириш жараёнида ҳам, шунингдек, халқ муסיқасининг муҳим қисми бўлган фольклор муסיқаси материалларини ўрганишда ҳам муҳимдир. Муסיқа орқали мақоллар, топишмоқлар, афсона ва эртаклар айтишга ҳаракат қилишади, натижада муסיқанинг кучли таъсири улар ҳатти-ҳаракатларида сезилиб, муסיқий қизиқишлари шаклланиб боради.

Муסיқа санъати учун умумий бўлган бу усуллар билимларни эгаллашда мустақилликни, ижодкорликни, ўқувчининг асарни муסיқий тажриба, хаёл, фантазияга таяниб таққослаши, қайта яратиши, танлаши, индивидуал тинглаши ҳамда ижодий талқин этиши орқали муסיқий қизиқишлари шаклланишига олиб келади.

Маълум муסיқа асарини тинглаб, кўриб ва ижро этиб, болалар уларни гўё янгидан яратиши, бу асар ҳосил этаётган кучли ҳиссиётларни, ҳиссий таъсир кучини ичдан кечинма тарзида ҳис этиши зарур. Шундагина унда муסיқий қизиқишлар жадал ривожланиб бориши мумкин.

Дарс жараёнида ўқитувчи болаларни сўзлар орқали эмас, муסיқа орқали мунозарага, суҳбатга жалб этиши зарур. Асарни ўрганиш жараёнида уларнинг интилишларини сўндирмасдан, муסיқа орқали гаплашиш зарур, бу усул замонавий амалиётда кенг ривож топмоқда.

Қўшиқда ижро сифати муסיқий қизиқишлар ривожланиши кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Шу боис, ўтмиш ва бугунги кундаги ташаббускор муסיқа ўқитувчилари касбий тайёргарликнинг асосида муסיқий қизиқишларни қўйишади.

Муסיқа билан мулоқотнинг барча шакллари ўқувчиларнинг муסיқий муסיқий қизиқишлари ривожланишига қаратилади. Қайси муסיқани олманг, у ҳамиша интонацион бирлик, яхлитлик сифатида намоён бўлади ва уни ўзлаштиришда ақлий (интеллектуал) жиҳатлар устувор акс этади. Шунини назарда тутиш лозимки, муסיқада оҳанг - ижодкор, композиторнинг тафаккур услубини намоён этади.

Дарсида қўлланадиган барча педагогик иш усуллари: куй мавзусини вокал овозда куйлаш, дирижёрлик қилиш, турли пластик ҳаракатлар, болалар мимикаси, асарга турлича муносабат – кенг маънода болалар тинглайдиган асар интонациясининг ўзига хос акси бўлиб қолади.

Қўшиқда уйғун, гармоник ҳаракатларда ифодаланган бадиий образни акс эттириш, бир темп (суръат)дан бошқасига ўтиш жараёнида маълум ҳаракат тезлигини бир хил ушлаб тура олиш болаларнинг эмоционал ҳиссий хотирасини, сезгиларини кўзғатади ва муסיқий қизиқишлари ривожланишига олиб келади.

Муסיқа орқали ўқувчиларда муסיқий қизиқишларни шакллантиришнинг ўзига хос нозик жиҳатлари мавжуд. Жумладан, чолғу муסיқасининг тузилиши нутқ тажрибаси билан боғлиқ. Яъни, тасаввур этилган ёки кўз олдида гавдаланган бадиий образни болалар нутқ орқали англаб олади. Бу жараёнда ўқувчиларда муסיқани нутқ билан онгости ҳолатида, интуитив боғлаш амалга оширилади. Бу бир томондан, чолғу муסיқасини идрок этишни енгиллаштиради, бошқа томондан вокал муסיқасида сўз ва куй бирлигини англашга ёрдам беради. Натижада муסיқа асарида

композитор томонидан қўйилган бадиий вазифани болалар тез ва чуқур англаб оладилар. Бу усулда ўқувчиларни муסיқага қизиқтириш борасида, унинг беқиёс аҳамияти ҳақида фикрларни сингдириш энгил кечади.

Мақтаб учинчи синф муסיқа дарслигида тинглаш учун қуйидаги асарлар тақдим этилган:

- Ушбу дарсликда халқ куйи “Андижон полькаси”, “Хоразм лазгиси”, халқ кўшиғи “Шунисида бир гап бор?”, халқ куйи “Фарғонача”, уйғур халқ кўшиғи “Она орзуси”, А.Мансуров муסיқаси билан “Пиёда аскарлар кўшиғи”, Ғ.Қўчқоров муסיқаси билан “Шодиёна”, халқ куйи “Самои дугоҳ”, халқ куйи “Зафар”, халқ куйи “Дил куйи”, халқ куйи “Шодлик”, М.Мирзаев муסיқаси билан “Баҳор вальси”, халқ куйи “Ҳой, лола”, тожик халқ куйи “Гардуни сегоҳ”, халқ куйи “Усмония”, П.Чайковскийнинг “Ёғоч солдатчалар марши” каби асарлар (16 та) тақдим этилган.

Муסיқа саводи фаолияти бўйича амалга ошириладиган муסיқий педагогик ишлар асосан муסיқанинг назарий жиҳатларини ўрганиш, муסיқий оҳангларнинг нота ёзувларида ифодаланиши, лад, тоналлик, интервал, товуш чўзими, муסיқа асарининг маълум қисмини такрорлашни амалга ошириш белгиларидан иборатдир.

Синфлар бўйича олганда, учинчи синф дастурида қуйидаги манзара кузатилади: бу синфда композиторлардан Рустам Абдуллаев, Фарҳод Алимов, Ҳабибулло Раҳимов, Лайло Муждабоева, Пётр Чайковскийнинг ҳаёт йўли; дирижёрлик ҳаракатлари машқлари, чорак ва нимчорак паузалар, хор асари ва жамоаси, оркестр, мажор ва минор, ўн олтиталик нота, учтовушлик,

нуктали нота, альтерация белгилари, мусикадаги динамик белгилар, мажор ва минор учтовушлиги, миллий чолғу созлари, реприза, ўзгарувчан ва ўзгармас қайтариш, синкопа, альтерация белгилари ўрганилади.

Ушбу синфда куйлаш учун куйидаги асарлар акс эттирилган: Рустам Абдуллаевнинг “Қўзичоқ”, Фаттоҳ Назаровнинг “Ёз”, “Кўйлагим”, Дилором Омонуллаеванинг “Ватанжоним-ватаним”, Нодим Норхўжаевнинг “Олтин пахта-оппоғим”, “Кенг Туркистон”, Иброҳим Ҳамроевнинг “Какку”, Фарҳод Алимовнинг “Оппоқ кандим”, Абдурахим Муҳамедовнинг “Беш баҳо”, Гофир Қодировнинг “Қувноқ болалар кўшиғи”, Шермат Ёрматовнинг “Қор”, Аваз Мансуровнинг “Пиёда аскарлар кўшиғи”, Софья Абрамованинг “Қорбўрон ўйнаймиз”, Ҳабибулло Раҳимовнинг “Мен-ғунчаман”, Гофир Қодировнинг “Бобом улуғ ёшида”, Лайло Муждабоеванинг “Ялпиз”, “Наврўз келди”, Тўлқин Тошматовнинг “Бахтий эркатой”, Собир Неъматовнинг “Светофор” номли (19 та) кўшиқлари.

Бошланғич синф мусиқа дарси умумий мусиқий таълимнинг пойдеворини ташкил этади ва унга ниҳоятда эътибор берган ҳолда, ҳар бир ўқувчида мусиқий қизиқишларни изчил тарбиялаб бориш лозим.

Дарсда мусиқий қобилиятлари турли даражада ривожланган ўқувчилар билан ишлашга тўғри келади. Шу жиҳатдан, мусиқий таълим машғулотларини ташкил этишда кўпгина мураккабликлар пайдо бўлади. Жумладан, мусиқа материални ўқувчиларга етказишда улар ушбу материални бир текис ўзлаштирмайди, баъзи

Ўқувчилар биринчи ижро этилганидаёқ ўрганиб олса, бошқаларининг ушбу мусиқа материални ўрганиши учун асар парчасини бир неча марта қайтаришига тўғри келиш ҳолатлари кузатилади.

Жумладан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ижро этилган ёки тингланган асарнинг ифода воситалари борасида ўзларининг фикрларини билдиришлари мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳамма болалар ҳам ушбу саволларга бир хилда, батафсил жавоб бериш имкониятига эга эмас. Уларнинг имкониятлари турлича намоён бўлишига қуйидаги сабаблар бор:

1. Ўқувчининг мусиқага нисбатан қизиқиши паст даражада бўлиши мумкинлиги;
2. Оилада мусиқага устувор аҳамият қаратилмаслиги;
3. Ўқувчининг мусиқий қобилиятлари етарли даражада мавжуд эмаслиги;
4. Ўқувчининг ўртоқлари орасида мусиқа унча кадрланмаслиги.

Бу омиллар боланинг мусиқий имкониятларига маълум даражада таъсир этади ва унда мусиқий қизиқишлар шаклланишида маълум даражада қийинчилик юзага келади. Дарс жараёнида ушбу нуқсонларни тугатишга мунтазам ҳаракат қилиш зарур.

Умуман олганда, мактаб бошланғич синф мусиқа дарсида амалга ошириладиган барча фаолиятлар мусиқий билим доираларини кенгайтириш, уларни миллий мусиқа санъатимизнинг намуналари билан таништириш орқали ўқувчиларда мусиқий қизиқишларни тарбиялашга йўналтирилгандир.

Дарсда амалга ошириладиган барча фаолиятлар яхлит дарс жараёнининг таркибий қисмлари бўлиб, уларга нисбатан ўқувчиларда қизиқишларни шакллантириш муסיқий билимларни эгаллашида муҳим омил бўлади.

## **2-БОБ. КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА МУСИҚИЙ ҚИЗИҚИШЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.**

### **§ 2.1. Бошланғич синф ўқувчиларида кўшиқ куйлашга қизиқишларни шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари.**

Бошланғич синфларда куйлаш учун келтирилган асарлар болаларнинг муסיқий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тузилган. Шунингдек, берилган кўшиқларнинг мавзуси ранг-баранг бўлиб, ривожлантирувчи характерга эга.

Учинчи синф дарслигида келтирилган композитор Рустам Абдуллаевнинг “Кўзичоқ” кўшиғи Йўлдош Сулаймон шеъри, Рустам Абдуллаев муסיқаси билан куйланади. Кўшиқ 6/8 чоракли ўлчовда, ўртача тез суръатда, ре минор тоналлигида ёзилган. Кўшиқнинг ижро оҳанги анча қувноқ, характери кўзичоқнинг енгил, серҳаракат ҳолатини ёритишга йўналтирилган.

Кўшиқ нота матнида саккизталиқ ва чорак ноталар, шунингдек, нуқтали чорак, легато, синкопа белгилари қўлланилган. Кўшиқни синфда жамоа бўлиб куйлаганда, интонацияга, соз ва ансамблга эътибор қаратиш зарур. Шунингдек, ижро жараёнида синкопа ва нуқтали ноталарни куйлашга алоҳида аҳамият бериш зарур, бу орқали ўқувчиларни қизиқтириб, юқори савиядаги ижрога эришиш мумкин. Алоҳида, яккаҳон бўлиб куйлаганда эса, биринчи навбатда нафас олиш қоидаларига эътибор бериш, чўзиладиган жумлаларни охиригача етказишга ҳаракат қилиш зарур. Кўшиқ ижроси орқали ўқувчиларнинг муסיқий қизиқишлари шаклланиб боради.

# QO'ZICHOQ

Yo'ldosh Sulaymon she'ri

Rustam Abdullayev musiqasi

Bar-ra pe-chak, Sa- ra pe-chak.  
Te -rib kel-dik, Yur-may dik-dik.  
Ki- sir, ki- sir, ki- sir, ki- sir.  
Bi- sir, bi -sir, bi- sir, bi-sir.  
U- ni chay- na  
ha qo' -zi- choq, U- ni chay-  
na Ma qo'-zi- choq.

Barra pechak,  
Sara pechak.  
Terib keldik,  
Yurmay dik-dik.

Kisir-kisir,  
Bisir-bisir,  
Uni chayna  
Ba, qo'zichoq.

Таниқли ўзбек композитори Иброҳим Ҳамроевнинг “Какку” кўшиғи шоир Тўлқин шеърига ёзилган.

## KAKKU

*To'liqin she'ri*

*Ibrohim Hamroyev musiqasi*

**Sokin**



Me-ning se-vik- li qu-shim, tu-ta-man kaf-  
 tim - da suv, Sen- ga-dir sho'x qo'-shi-g'im,  
 Kak-ku kak-ku, kak-ku-jon  
 kak-ku Sen-ga-dir sho'x qo'-shi-g'im,  
 kak-ku kak-ku kak-ku-jon kak-ku !

Mening sevikli qushim,  
 Tutaman kaftimda suv,  
 Sengadir sho'x qo'shig'im,  
 Kakku, kakkujon, kakku!

Yelkanga qo'n, mayliga,  
 Ko'zlaring munchoq, ko'zgu  
 Boshlar bog'lar sayliga,  
 Kakku, kakkujon, kakku!

Baland, baland uhasan,  
 Jajji qalbingda orzu,  
 Fazolarni quhasan,  
 Kakku, kakkujon, kakku!



Қўшиқ сокин ижро суръатида, 2/4 чоракли ўлчовда, ре минор тоналлигида ёзилган. Қўшиқда ўн олтиталик, саккизталик, чорак ва нуқтали ноталар кенг қўлланилган.

Шунингдек, қўшиқ нақаротида такрорланадиган “как-ку, как-ку, как-кужон!” сўзлари қисқа ва аниқ талаффузни талаб этади. Бу қисмни куйлашда биринчи ва иккинчи тактдаги юқори овозда катта терция интервали, пастки товушларда эса прима интервалининг такрорланиши куйлашда эҳтиёткорликни талаб этади.



Ижро жараёнида енгил, равон товуш ҳаракатлари амалга оширилади, ижрочида қувноқ кайфият устувор аҳамият касб этади. Бу асар орқали ўқувчилар жонажон Ватанимизнинг табиати, ундаги ер, сув, ҳайвонот дунёси, жумладан, сайроқи қушлардан бири бўлган каккулар ҳақида янги маълумотларга эга бўладилар ва бу орқали улар қалбида ватанпарварлик, юртимиз ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига нисбатан қизиқишлар чуқурлашиб боради.

**VATANJONIM—VATANIM**

*Po'lat Mo'min she'ri* *Dilorom Omonullayeva musiqasi*


**O'rtacha tez**

Musical notation for the song "Vatanjonim—Vatanim". The notation is on two staves in a treble clef with a key signature of one flat (B-flat) and a time signature of 7/8. The melody consists of eighth and quarter notes. The lyrics are written below the staves: Va-tan-jo-nim Va-ta-nim, Ko'-zim quv-nab ko'r-ga-nim.



Vatanjonim—Vatanim,  
Ko'zim quvnab ko'rganim.  
Istiqloldan kulganim,  
O'zbekiston—gulshanim!

Bahra olib bag'ringdan,  
Ulg'ayaman mehringdan.  
Vatanjonim—Vatanim,  
O'zbekiston—gulshanim!





yum- sho- g'im,  
 Chi-ro- yi-dan nur ta-ral- gan  
 chi-ro- g'im Cha-man bo'l-di  
 gul- la- ring-dan har yo- g'im.

1. Oltin paxtam beg'uborim — oppog'im,  
 Huzurjonim, momiqqinam — yumshog'im,  
 Chiroyidan nur taralgan chirog'im,  
 Chaman bo'ldi gullaringdan har yog'im.
2. Paykallarda termulasan yo'linga,  
 Oq qushimsan, qo'ndiraman qo'linga,  
 Hosilingdan shodlik to'lar ko'nglinga,  
 Chanoqlarda qaynab turgan bulog'im.
3. Iftixorim, baxtim deya suyarman,  
 Terib-terib mehringga xo'p to'yarman,  
 Xazinamga—xirmonimga uyarman,  
 Bayramlarda hilpiragan bayrog'im.

Кўшиқни куйлаш жараёнида болалар ўзларини мамлакатимиз ижтимоий ҳаёти учун бефарқ эмасликларини ҳис этадилар ва улар қалбида миллий ифтихор туйғулари алангаланиб кетади. Композитор Дилором Омонуллаева ва шоир Рауф Толибнинг

“Нишолда” кўшиғи миллий анъана, урф одат ва кадриятларни ифодалаган кўшиқлардан биридир.

## NISHOLDA

*Rauf Tolib she'ri*

*Dilorom Omonullayeva musiqasi*

### Quvnoq

To'y-da, bay-ram-da, Ro'-za ay-yom-da  
Tan-siq ni-shol-da, Tor-tiq ni-shol-da.  
Muz-qay-moq-dan zo'r, Ma-na, ya-lab ko'r.  
Oh-oh ni-shol-da, Op-poq ni-shol-da. Ma-za-  
li, tot-li — oh! Mis-li nov-vot-li — oh!  
Oh-oh ni-shol-da Op-poq ni-shol-da! Muz-qay-  
moq-dan zo'r — oh! Ma-na ya-lab ko'r — oh!  
Oh-oh ni-shol-da, Qay-moq ni-shol-da.

Мазкур кўшиқ миллий ширинликлардан бири бўлган нишолда ҳақида куйланади. Кўшиқ кувноқ ижро суръатида, 4/4 чоракли ўлчовда, ре мажор тоналлигида ижро этилади. Кўшиқнинг сўзларига эътибор беринг-а!

1. To'yda, bayramda,  
Ro'za ayyomda  
Tansiq nisholda,  
Tortiq nisholda.  
Muzqaymoqdan zo'r,  
Mana, yalab ko'r.  
Oh-oh nisholda,  
Oppoq nisholda.

Naqarot: Mazali, totli — oh!  
Misli novvotli — oh!  
Oh-oh nisholda,  
Oppoq nisholda!  
Muzqaymoqdan zo'r — oh  
Mana yalab ko'r — oh!  
Oh-oh nisholda,  
Qaymoq nisholda!

2. Buncha ham shirin,  
Kim bilar sirin?  
Oh-oh nisholda,  
Qaymoq nisholda.  
Mehmonga yuzim,  
Xizmatda o'zim.  
Tayyor nisholda,  
Mador nisholda.

Naqarot:



Унинг матн мазмунига назар ташлаганда, миллий ширинлик - нишолда ҳақидаги илиқ фикрлар баён этилганлиги гувоҳи бўламиз. Бу кўшиқни куйлаш жараёнида ўқувчилар миллий урф-одатлар, анъаналар, қадриятларнинг ўқувчи-ёшлар тарбиясида нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини билиб оладилар ва уларда муסיқага нисбатан қизиқишлар шаклланиб боради.

Шунингдек, учинчи синф дарслигида композитор Гофир Қодиров мусиқаси, Хуршид Қаюмов шеъри билан “Қувноқ болалар кўшиғи” келтирилган. Бу кўшиқ 2/4 чоракли ўлчовда, маршона ижро суръатида, ре минор тоналлигида ижро этилади.

## QUVNOQ BOLALAR QO'SHIG'I

*Xurshid Qayumov she'ri*

*G'afur Qodirov musiqasi*

**Marshona**

Qor yo-g'ar, qor yo- g'ar — oq par- ga o'x-  
shar. Xo-na- miz gul och- gan

Кўшиқ оҳанглариинг марш характерида эканлиги унга жанговарлик, шиддат ва енгил суръат бахш этган. Кўшиқ қиш фаслининг болалар учун завқли онлари, қишда ўйналадиган турли болалар ўйинлари билан уйғунлашиб кетишини акс эттирган.

Кўшиқнинг дастлабки тактларидан бошлаб бир маромдаги ижро суръати, ноталарнинг аниқ интонация қилишга тортилиши сезилиб туради.

**Marshona**

Qor yo-g'ar, qor yo- g'ar — oq par- ga o'x-

Бунда 4 та саккизталиқ нота ва ундан сўнг иккита чорак нотанинг келиши яхлит ритмик мажмуани ташкил этган ва ушбу мажмуа кейин яна бир неча марта такрорланганлигини кўриш

МУМКИН.



ba-hor- ga o'x- shar. Yan-gi yil  
ar-cha-sin Bezat- dik ko'r- kam.  
Shox-la-ri tov-la-nar Chi-roy-lik bi- ram.

1. Qor yog'ar, qor yog'ar —  
Oq parga o'xshar.  
Xonamiz gul ochgan  
Bahorga o'xshar.

Naqarot:

Yangi yil archasin  
Bezatdik ko'rkam.  
Shoxlari tovlanar,  
Chiroylik biram.

2. Davrani keng olib,  
Boshlaymiz o'yin.  
Aytamiz yangi yil  
Qo'shig'in — kuyin.

Naqarot:



Шоир Қудрат Ҳикмат шеъри, композитор Карим Абдуллаев мусиқаси билан “Янги йил қўшиғи” қувноқ суръатда, ми мажор тоналлигида, 2/4 чоракда куйланади.

Қўшиқнинг матнига қараб айтиш мумкинки, ижро орқали болалар қиш фаслининг ўзига хос гўзаллигини, бу фасл болаларга қувноқлик бахш этишини, ҳар йили қиш фаслида болалар қорбўрон ўйнаши ва қордан қорбобо яшашларини эслаб, кўтаринки кайфиятга эга бўладилар. Мамлакатимиз ҳудудининг табиати нақадар чиройли эканлигини яна бир бор юракдан ҳис этадилар ва уларда мусиқий қизиқишлар шаклланиб бориши кузатилади.

## YANGI YIL QO'SHIG'I

*Qudrat Hikmat she'ri*

*Karim Abdullayev musiqasi*

**Quvnoq**

Hov-li-miz-ga o'r-nat-dik Ko'm-ko'k ar-cha-  
ni. Dav-ra-miz-ga o'r-nat-dik  
Ig-na barg-cha-ni. Qor-bo-bom-dan

Қўшиқда саккизталиқ ва ўн олтиталиқ ноталар кетма кет алмашиб туриши уларни ижро этишда зийракликни талаб этади. Бундан ташқари, турли: секунда, терция, кварта ва квинта интервалларига сакрашларнинг мавжудлиги вокал ижрода ўзига хос мураккабликларни келтириб чиқаради.



Hovlimizga o'rnatdik  
 Ko'm-ko'k archani.  
 Davramizga o'rnatdik  
 Igna bargchani.  
 Qorbobomdan o'rganib  
 Bezatdik uni.  
 Do'stlar keling ko'rgani  
 Yangi yil kuni.

Ko'ksida gul, lolalar,  
 Sochar zar shu'la.  
 Atrofida bolalar  
 Aytar ashula.  
 Baxtli totuv barchamiz,  
 Yashnaydi har dil.  
 Yasha qutlug' archamiz,  
 Yasha yangi yil.



Худди шундай, учинчи синфнинг учинчи чораги бошида киш фаслига аталган яна бир кўшиқ ўрганилади. Бу кўшиқ шоир Барот

## QORBO‘RON O‘YNAYMIZ

*Barot Isroilov she‘ri*

*Sonya Abramova musiqasi*

**Harakat bilan**

So-vuq sha-mol g'u-vil-lab Yuz-ni a-yoz  
Gir ay-la-nib zu -vil-lab  
chim-chi-lar. Gir ay -la- nib  
sha-mol qor-ni qam -chi-lar  
zu- vil- lab, a . . . .  
Sha-mol qor-ni qam-chi-lar.

Sovuq shamol g'uvillab,  
Yuzni ayoz chimchilar.  
Gir aylanib zuvillab,  
Shamol qorni qamchilar.

Qorbo'ron o'ynaymiz biz,  
Bo'lishib taraf-taraf.  
Yumaloqla, qorni tez,  
Bekorga turma qarab.

Исроил сўзларига композитор Соня Абрамова муסיқаси билан “Қорбўрон ўйнаймиз” деб аталади. Кўшиқ ми минор тоналлигида, “ҳаракат билан” ижро суръатида, 6/8 чоракли ўлчовда майин ижро этилади. Кўшиқ характери ўйноқи, жозибали ва енгил бўлиб, ижро жараёнида ушбу хусусиятлар аниқ сезилиб туриши зарур.

To'rttadan bo'linishib  
Rosa qor otishamiz.  
Qishda ham terlab-pishib,  
Chiniqamiz, pishamiz.

Qor otamiz g'iz, g'iz, g'iz,  
Sovuqqa qotmas qo'llar,  
Olmadek qizarar yuz,  
To'lishadi muskullar.



Юқорида келтирилган кўшиқни куйлаш жараёнида учинчи синф ўқувчилари қиш фасли, қорбўрон ўйнаш фаолиятларини ҳис этиб, кўтаринки кайфиятга эга бўладилар. Кўшиқ ижроси орқали гўзал Ватанимизнинг бепоёнлиги, инсонларнинг оққўнгиллиги, шундай юрда яшаш нақадар катта бахт эканлигини англаб, тушуниб етадилар. Бу эса мусиқа санъатининг, кўшиқларнинг кучли таъсир имкониятлари мавжудлигидан дарак беради ҳамда ўқувчиларда мусиқий қизиқишларнинг шаклланиб боришига имкон яратади.

Таъкидлаш лозимки, учинчи синф дарслигида юқорида келтирилган кўшиқлардан ташқари Нодим Норхўжаевнинг “Олтин пахтамоғим”, “Кенг Туркистон”, Фарҳод Алимовнинг “Оппок

қандим”, Абдурахим Мухамедовнинг “Беш баҳо”, Шермат Ёрматовнинг “Қор”, Ҳабибулло Раҳимовнинг “Мен-ғунчаман”, Гофир Қодировнинг “Бобом улуғ ёшида”, Лайло Муждабоеванинг “Ялпиз”, “Наврўз келди”, Тўлқин Тошматовнинг “Бахтий эркатоӣ” ва Собир Неъматовнинг “Светофор” каби кўшиқлари ўрганиш учун тақдим этилган.

Мазкур кўшиқларнинг барчаси миллий музика оҳанглари, халқ музикаси негизида яратилган бўлиб, уларни куйлаш жараёнида ўқувчиларда музикаий қизиқишлар изчил тарзда шаклланиб боради.

## **§ 2.2. Мактаб тинглаш репертуари асосида бошланғич синф ўқувчиларида кўшиқ куйлашга қизиқишларни шакллантиришнинг йўл ва усуллари**

Тинглаш репертуари музика дарси фаолиятлари орасида асосий ўринлардан бирида туради ва ўқувчиларни турли вокал ва чолғу жамоалар, яъни оркестр, ансамбль, хор, симфоник оркестр, яккахон, якканавоз ва бошқа турли музика жамоалари фаолияти билан яқиндан таништиришга имкон яратади.

Тинглаш жараёнида ўқувчилар бошқа даврларда яратилган, турли созанда ва хонандалар томонидан ижро этилган, турли композиторларнинг асарлари билан танишадилар ва ушбу асарларнинг бадиий мазмуни ҳамда ижро хусусиятларини билиб оладилар.

Бошланғич синфларда, жумладан, учинчи синф мусиқа дарслигида халқ куйи “Андижон полькаси” куйи тинглаш учун тақдим этилган.

**ANDIJON POLKASI**

Sho'xchan

The musical score for "Andijon Polkasi" by Sho'xchan is presented in ten staves. It is written in treble clef with a key signature of one sharp (F#) and a 2/4 time signature. The score includes various musical notations such as slurs, repeat signs, and dynamic markings. Fingerings are indicated by numbers 1-4 above the notes. The first staff begins with a dynamic marking of *f(p)* and includes fingerings 2, 1, 3, 1, 2, 1, 4. The second staff has a dynamic marking of *mf* and fingerings 3, 4, 3, 1, 1, 1, 1, 2, 1. The third staff has fingerings 2, 1, 2, 1. The fourth staff has fingerings 2, 4, 2, 1, 1, 2, 4, 2, 1, 1, 3. The fifth staff has fingerings 4, 3, 1, 2, 1, 1, 2. The sixth staff has fingerings 3, 1, 2, 1, 1, 4, 2, 1, 1, 3. The seventh staff has fingerings 4, 3, 1, 1, 3, 1, 1, 3, 1. The eighth staff has a dynamic marking of *f(p)*. The ninth staff has a dynamic marking of *f*. The tenth staff has fingerings 2, 1.

Ушбу асар ўзининг кучли шиддат, эҳтиросга тўлалиги, тингловчини ўзига мафтун этиши, оҳанг хусусиятлари билан ҳар қандай тингловчини ҳаракатга чорлай билиши орқали намоён бўлади.

Musiqa tinglang

### XORAZM LAZGISI

Og'irroq

*f*

2 1

*asta tezlatis*

3 1 1 3 1 1 3 1 1 3 1 1

Бундан ташқари “Хоразм лазгиси” куйи ҳам Хоразм мусиқа анъаналарини ўзида акс эттирган ҳолда кўз ўнгимизда гавдаланади. Бундан ташқари, халқ кўшиғи “Шунисида бир гап бор” ҳам ўзининг ёрқин мусиқаси билан намоён бўлади.

**Musiqa tinglang**

## SHUNISIDA BIR GAP BOR?

*(O'zbek xalq qo'shig'i)*

*Ergash Shukrullayev qayta ishlagan*

**Yengil**

*f(p)*

Агар биз халқ куйи “Фарғонача” куйини олиб қарайдиган бўлсак, унинг асосан фарғона мусиқа услубини ўзида акс эттирганлигини кўрамыз.

Musiqqa tinglang

## FARG‘ONACHA

*O‘zbek xalq kuyi*

O‘rtacha tez



Ушбу юқорида келтирилган куйлар ўзида миллий хусусиятларни акс эттирганлигини кўриш мумкин. уларда буюк аجدодлардан қолган миллий оҳанг жилолари ўз инъикосини топган, шунинг учун ушбу миллий куйларни тинглаш жараёнида болаларда муסיқий қизиқишлар шаклланиб боришини кўришимиз мумкин, зеро, ушбу асарларнинг асосий негизи миллийликдадир.

Тингланадиган миллий куйлардан яна бири, бу “Норим-норим”дир. Бу куй хоразм миллий услубида яратилган бўлиб, ўзида хоразмча ракс оҳанглари элементларини жойлаштирган. Ушбу куйни тинглаганда, ўқувчида хоразм воҳасининг қадимий тарихий ёдгорликлари, танти ва мард инсонлари кўз олдига келади. Бу асар ҳам ўз ижро ва ифода хусусиятлари орқали ўқувчиларда миллий муסיқий қизиқишларни шакллантиришга кўмаклашади.

**NORIM-NORIM**

*Khorazm xalq kuvi*

**Yengilroq**



Шунингдек, ушбу дарсликда уйғур халқ кўшиғи “Она орзуси”, А.Мансуров муסיқаси билан “Пиёда аскарлар кўшиғи”, Ғ.Қўчқоров

музыкаси билан “Шодиёна”, халқ куйи “Зафар”, халқ куйи “Дил куйи”, халқ куйи “Шодлик” каби асарлар ўрин олган.

Айниқса, халқ куйи “Самои дугоҳ”ни тинглаган киши мозийга сайр этади, буюк аجدодларимиз билан суҳбат қургандек бўлади, уларнинг ўғитларини тинглагандек ўзини ҳис этади:

**Musiqa tinglang**

## SAMOI DUGOH

Shoshilmay



Таниқли ўзбек бастакори М.Мирзаев мусиқаси билан ижро этиладиган “Баҳор вальси” бугунги кунда баҳорнинг ўзига хос мадҳияси бўлиб қолган, десак хато бўлмайди.

Шунингдек, халқ куйи “Ҳой, лола”, тожик халқ куйи “Гардуни сеғох”, халқ куйи “Усмония”, П.Чайковскийнинг “Ёғоч солдатчалар марши” асарлари тақдим этилган.

Musiqa tinglang

**GARDUNI SEGOH**

*Tojik xalq kuyi*

Shoshilmasdan



The image shows a musical score for a piece titled "GARDUNI SEGOH", identified as a "Tojik xalq kuyi" (Tajik folk melody). The score is written on six staves of musical notation in treble clef. Above the first staff, the tempo marking "Shoshilmasdan" is present. The score begins with a treble clef, a key signature of one sharp (F#), and a 2/4 time signature. The melody consists of eighth and quarter notes. Below the musical notation is a detailed illustration of a stringed instrument, likely a dutar, which is a traditional Central Asian instrument with a pear-shaped body and a long neck.

Ушбу “Гардуни сегоҳ” сингари куйларни тинглаш орқали ўқувчилар мусиқадаги ранг-барангликни, ўзига хосликни, миллий оҳангларнинг бир-биридан фарқини, уларнинг мазмун ифодалаш хусусиятларини билиб оладилар. Бу эса, ўқувчиларда мусиқий қизиқишларни ошириб, маданиятимизнинг чуқур илдизлари ҳақида маълумотларга эга бўлишга имкон яратади.

Жумладан, ўрганиладиган кўшиқ, унинг муаллифлари, маълум композитор ижоди ва фаолияти тўғрисида маълумотлар бериш, мусиқа саводхонлиги бўйича материалларни сингдириш, мусиқа тинглаш фаолиятини амалга ошириш, ритмик ҳаракатларни бажариш ҳамда чолғу созлари борасида билимларни сингдириш яхлит жараён бўлиб, ушбу жараённинг ҳар бир таркибий қисми бир-бири билан мантиқий боғлиқ тарзда ташкил этилса, ўқувчиларда мусиқий қизиқишларни тизимли тарзда шакллантириб бориш имкониятлари яратилади.

Мусиқа дарсларини сифатли ташкил этиш ўқитувчидан катта иқтидор, педагогик маҳорат ва ўз устида тинимсиз ишлашни талаб этади. Жумладан, болалар билан мусиқий фаолиятларни амалга ошириш биргина куйлаш ёки тинглаш эмас, балки, мусиқа саводхонлиги, чолғу созларини билиш, композиторларнинг биографияси ва асарлари ҳақида маълумотларга эга бўлиб боришни талаб қилади.

Бунинг учун эса, ўқитувчи аввало ўз устида тинимсиз ишлаш орқали ушбу илмий материаллар борасида тасаввурга эга бўлиши, шунингдек, болаларни мусиқий фаолиятларга қизиқтира олиши керак. Буларсиз мусиқий фаолиятлар самараси ҳақида гапириш

қийин ва муסיқа асарлари орқали муסיқий қизиқишларни шакллантириш мураккаб бўлиб қолади.

Ушбу фаннинг ўзига хослигини кўрсатувчи омиллардан яна бири, бу куйлаш фаолияти - ўқувчидан муסיқий тинглаш, ритм ва муסיқий хотирани, шунингдек, куйлаш ички кечинмалар, ҳиссий ҳолат орқали бажарилишини талаб этади.

Шу жиҳати орқали муסיқий фаолиятлар барча бошқа фаолиятлардан ўзининг индивидуаллиги, инсон ички оламига қаратилганлиги, унинг кечинмалари ва ҳиссийлиги орқали амалга ошиши билан ажралиб туради.

Муסיқа ўқитиш сифатини ошириш бу замонавий муסיқа ўқитувчисига кўп даражада боғлиқ, бундан ташқари, техника воситалари, талаб даражасидаги муסיқа кабинети, аудиовидео техника мавжудлиги ҳам дарс сифатига бевосита таъсир қилади.

Лекин, уларнинг ҳеч бири ўз фан соҳасини бутун вужуди билан севадиган, фидойи ўқитувчидан устун турмайди. Чунки, фидокор ўқитувчи болаларни муסיқанинг сеҳрли оламига олиб кириб билади, уларни бу сеҳрли оламнинг сир - синоатлари билан таништириш унинг кўлидан келади. Шу боисдан ҳам муסיқа педагогикасига бугунги кунда катта эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, юқорида келтирилган ва айтиб ўтилган мавжуд репертуар имкониятларини таҳлил қилиб шундай хулосага келдик. Ҳақиқатан ҳам, мактаб дарсликларида тақдим этилган тинглаш ва куйлаш учун мўлжалланган барча муסיқа асарлари ўқувчиларда муסיқий қизиқишларни сингдириш учун кенг

имкониятларга эга. Бу асарлар таниқли ўзбек композиторларининг юксак бадиий савиядаги асарларидир.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич синфлардаги муסיқий репертуар мазмуни мавжуд таълим вазифаларини ечиш ва таълим мақсадини амалга оширишга имкон беради, яъни, бу асарлар орқали ўқувчиларда муסיқий қизиқишларни шакллантириш учун кенг имкониятлар мавжуд бўлиб, улардан самарали фойдаланиш ўқитувчининг касбий маҳоратига боғлиқдир.

## **ХУЛОСА**

Муסיқа таълимида ўқитиш сифатини ошириш йўлларида бири бу – ўқувчиларда муסיқий қизиқишларни шакллантиришдир.

Замонавий педагогикада кўпгина янги ўқитиш технологиялари мавжуд бўлиб, уларни муסיқий таълимга мослаштириш, ўқувчилар билан бадиий фаолиятни амалга ошириш учун мувофиқлаштириш, шу орқали ўқувчиларда муסיқий қизиқишларни шакллантириб бориш талаб этилади.

Битирув малакавий ишини амалга ошириш доирасида ўқувчиларнинг муסיқий фаолиятларга қизиқишларини шакллантириш бўйича мавжуд имкониятларни ўрганиб қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Муסיқа таълимига ўқувчиларнинг қизиқишларини шакллантириш кўп қиррали бадий хамда дидактик жараён бўлиб, уни амалга ошириш қуйидаги хусусиятлар орқали намоён бўлади:

– Ўрганиладиган ва тингланадиган муסיқий репертуар асарларининг мазмун - моҳиятини ўқувчиларга содда, қизиқарли ва чуқур сингдириш;

– муסיқий қобилияти нисбатан паст ифодаланган ўқувчилар билан дарсда алоҳида ишлаш.

2. Ўқувчиларда муסיқий қизиқишларни шакллантириш учун турли мазмун ва характердаги муסיқа асарлари борасида баҳс – мунозара, тренинг, дебатлар ташкил этиш ва уларнинг фикр - мулоҳазаларини умумлаштириб, ягона хулосага эришиш;

3. Дарсда турли ноанъанавий усуллардан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг ижодий фантазиясини ривожлантириш, бадий мушоҳада имкониятларини кенгайтириш.

4. Педагогикада ҳар бир янги технология таълим вазифасининг амалга ошишини якуний мақсад сифатида белгилайди. Бу эса, муסיқий қобилиятлари турли даражада бўлган ўқувчиларда муסיқий қизиқишларни шакллантириш ишини енгиллаштиради.

Юқорида келтирилган иш усуллари ўқувчиларда муסיқий қизиқишларни тез, енгил ва самарали шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, муסיқий қобилияти турли даражада ифодаланган болалар билан ишлашда уларни алоҳида – алоҳида фаоллаштириш орқали амалга оширилади.

## ТАВСИЯЛАР

1. Бошланғич синфлар ўқувчиларини музикаий фаолиятларга қизиқтириш муҳим педагогик масала бўлиб, ушбу ишни режали тарзда, мунтазам амалга ошириш зарур.
2. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг барча фаолиятларни ўйин тарзида қабул қилишини назарда тутиб, музикаий фаолиятларни амалга оширишда уларни ўйин тарзида ташкил этиш ўқувчиларда музикаий қизиқишларни шакллантиришда муҳимдир.
3. Ҳар бир дарс материални ўқувчиларга сингдиришда уларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бирига алоҳида ёндашиб, бадиий-педагогик ишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

## АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 141 б.
3. Акбаров И.А. Муסיқа луғати.- Т.: Ўқитувчи, 1997. – 384 б.
4. Вахромеев В.А. Музиканинг элементар назарияси. - Т.: Ўқитувчи, 1980. - 224 б.
5. Дмитриева Л.Г. Черноиваненко Н.М. Методика музыкального воспитания в школе. Учебник. М.: Просвещение, 1989. – 207 с.
6. Технология слушания музыки: Учеб. программа и методические блок-схемы спецкурса / Сост. В.П.Анисимов. – Тверь, 2000.
7. Матюшкин А.М. Загадки одаренности. Проблемы практической диагностики. М., 1993.
8. Поливанова К.Н. Психологический анализ кризисов возрастного развития // Вопросы психологии. М., №1/1994.
9. Фохт-Бабушкин Ю.У. Искусство и духовный мир человека. Об особенностях воздействия искусства на личность. М., 1982.
10. Романова С. Талабаларни маънавий-эстетик тарбиялашда миллий муסיқий анъаналарнинг аҳамияти / Педагогик маҳорат журнали №2/2003. 83-85 бетлар.